

**Дарёларнинг шакл ва ўлчам  
кўрсаткичлари**

# Режа:

*Дарё системасининг шакл  
ва ўлчам кўрсаткичлари*

*Дарё ҳавзасининг шакл ва  
ўлчам кўрсаткичлари*

*Дарё водийси ва ўзани*

# *Дарё системасининг асосий шакл ва ўлчам кўрсаткичлари*

*Бош дарё ва унинг узунлиги*

- *Бош дарёning узунлиги ( $L$ ) унинг бошланишидан қўйилиш жойигача бўлган масофа билан аниқланади. Бош дарёning узунлигини харитадан аниқлашда циркулўлчагич ёки курвиметрдан фойдаланиш мумкин. Бош дарёни харитадан дарё системасининг гидрографик схемасига қараб ёки геоморфологик таҳлил этиш йўли билан аниқлаш мумкин.*

*Ирмоқлар ва уларнинг узунликлари*

- *Ирмоқлар узунликлари ҳам бош дарё узунлиги каби аниқланади. Лекин бунда гастлаб ирмоқларнинг тартибларини белгилаб олиш зарур.*

# Дарё системасининг асосий шакл ва ўлчам кўрсаткичлари

## дарёning эгрилиги

- Дарёning эгрилиги **эгрилик коэффициенти** билан ифодаланаади. Эгрилик коэффициенти деб, дарёning бошланиш ва қуйилиш нуқталарини туташтирувчи тўғри чизиқ узунлигининг дарёning ҳақиқий узунлигига бўлган нисбатига айтилади
- $K_e = \frac{\ell_{AB}}{L}$ ,

## дарё тармоқларининг зичлиги

- Дарё тармоқларининг зичлигини **ифодалашда зичлик коэффициентидан** фойдаланилади. Дарё тармоқларининг зичлик коэффициенти деб, бош дарё ва унинг црмоқлари билан биргаликдаги узунликлари йиғиндисининг шу дарё системаси жойлашган ҳавза майдонига бўлган нисбатига айтилади,  
$$\left( L + \sum \ell_i \right)$$
- $\alpha = \frac{\left( L + \sum \ell_i \right)}{F}$


## дарё ёки дарё маълум қисмининг нишаблиги

- Дарё нишаблиги деб, унинг ўрганилаётган қисмидаги баландликлар фарқини шу қисм узунлигига бўлган нисбатига айтилади.

$$\mathfrak{J} = \frac{(H_1 - H_2)}{L} = \frac{\Delta h}{L}$$

- Дарё нишаблиги, асосан жойниг рельефига боғлиқ бўлиб, унинг энергияси миқдорининг кўрсаткичиидир.

# Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари



9—расм. Дарё ҳавзаси.

— дарёлар, --- сувайиргичлар,

~~ горизонталлар, ← Дарё оқими жўналиши.

АБ ҳавзанинг узулиниги, ВС ҳавзанинг максимал кенгалиги

# **Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари**

*дарё  
ҳавзасининг майдони*

**Дарё ҳавзасининг майдони ( $F$ )** ни аниқлаш учун дастлаб у харитада сувайирғич чизиқлари билан чегаралаб олинади. Сўнг, масштаб ҳисобга олинган ҳолда, планиметр ёки ўлчов катакчалари (палетка) ёрдамида унинг майдони аниқланади. Ўлчам бирлигикм<sup>2</sup>.

*дарё  
ҳавзасининг узунлиги*

**Дарё ҳавзасининг узунлиги ( $L_x$ )** дарёning қуйилиш жойидан сувайирғич чизиғига энг узоқда жойлашган нуқтагача бўлган масофани туташтирадиган тўғри чизиқнинг км да аниқланган узунлигига тенгдир.

# Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари

дарё  
ҳавзасининг  
кенглиги

- Дарё ҳавзасининг энг катта ( $B_{max}$ ) ва ўртacha ( $B_{\bar{y}pm}$ ) кенгликлари бирбиридан фарқ қиласи.
- **Ҳавзанинг энг катта кенглиги** дарё ҳавзасининг энг кенг жойидан ҳавза узунигини ифодалайдиган чизиқка нисбатан ўтказилган перпендикулярнинг узунигидан иборатdir. Демак, дарё ҳавзасининг энг катта кенглиги харитадан ўлчаш натижасида аниқланади. Ҳавзанинг ўртacha кенглиги эса қуийдаги ифода ёрдамида ҳисоблаб топиласи:

$$B_{\bar{y}pm} = \frac{F}{L_x}.$$

дарё  
ҳавзасининг  
симметриклик  
даражаси

- **Дарё ҳавзасининг симметриклик даражаси** бош гарёга нисбатан аниқланади. Уни ифодалаш учун Ҳавзанинг **асимметрия коэффициентидан** фойдаланилади. Асимметрия коэффициенти қуийдаги ифода ёрдамида аниқланади:  $K_a = \frac{F_y - F_x}{F}$ ,

# *Дарё ҳавзасининг шакл ва ўлчам кўрсаткичлари*

дарё ҳавзасининг  
ўртacha  
баландлиги

дарё ҳавзасини  
ўртacha  
нишаблиги

- *Дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги ( $H_{\text{урm}}$ )* ни икки усул билан аниқлаш мумкин:
- *Ҳисоблаш ифодаси ёрдамида;*
- *дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиғи ёрдамида.:*

$$H_{\text{урm}} = \frac{(h_1 * f_1 + h_2 * f_2 + \dots + h_n * f_n)}{F},$$

- *Ҳавзанинг ўртача нишаблиги гидрология ва сув хўжалигига оид ҳисоблашларда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёмғирдан, Қорнинг эришидан ҳосил бўлган сувнинг дарё ўзанига қуйилиш тезлиги, Ҳавзада тупроқ ва тоғ жинсларининг ювилиши, яъни сув эрозияси каби жараёнлар ҳавзанинг нишаблиги билан боғлиқдир. Ҳавзанинг ўртача нишаблиги қуийдаги ифода билан аниқланади:*

$$\mathfrak{J}_x = \frac{\Delta h \cdot \left( \frac{\ell_1}{2} + \ell_1 + \ell_2 + \dots + \frac{\ell_n}{2} \right)}{F}$$

# *Дарё водийси ва ўзани. Дарё водийси ва унинг элеменлари*

## *Дарё ўзани*

- водийнинг оқар сув эгаллаган қисми

## *Қайир*

- *дарёда тошқин ёки тўлин сув кузатилганда водийнинг сув босадиган қисми;*

## *Водий туби*

- *дарё ўзани ва қайир биргаликда водий туби деб аталади*

# *Дарё водийси ва ўзани. Дарё водийси ва унинг элеменлари*

## *тальвег*

- *дарё узунлиги бўйича ўзандаги энг чуқур нуқталарни туташтира диган эгри чизиқ*

## *террасалар*

- *ёнбағирлардаги горизонтал ёки бир оз қияликка эга бўлган майдончалар;*

## *ёнбағирлар*

- *водий тубини икки ёндан чегаралаб турувчи ва дарёга қараб Қия жойлашган майдонлар*

## *водий қоши*

- *водий узунлиги бўйича ёнбағирларни нг энг юқори нуқталарини туташтирув чи чизиқ*

*Дарё ўзани ва унинг кўндаланг қирқими.*

- *Дарё ўзанининг шакли водийнинг тузилиши, гарёнинг сувлилик даражаси, ўзанини ташкил этган жинсларнинг геологик турига боғлиқ ҳолда гарё узунилиги бўйича ўзгарувчан бўлади. Дарё ўзанининг шакли планда изобаталар билан ифодаланади.* Изобаталардарё ўзанида бир хил чуқурликдаги туташтирувчи чизиқлардир.

Ўзанинг кўндаланг қирқими. Жонли кесма майдони. Ўлик майдон.

- Гидрологияда дарё ўзанинг кўндаланг қирқими муҳим аҳамиятга эгадир . Дарёning оқим йўналишига перпендикуляр қирқим ўзанинг кўндаланг қирқими дейилади. Кўндаланг қирқимнинг сув оқаётган қисми эса **жонли кесма майдони** деб номланади. Айрим ҳолларда кўндаланг қирқимда сув оқмайдиган жойлар ҳам учрайди. Улар ҳаракатсиз ўлик майдон дейилади.

